



Ishonch

Моҳият
Оила мамлакатнинг, демак, Ватаннинг буюк келажagini улгайтирувчи муқаддас бешик.
 Ислоҳ КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Бозор обод



Юрт обод

Бугунги кишли-қировли кунларда юртимиз бозорларига кирган киши борки, хавлидан Ойбекнинг «Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...» деган сатрлари ўтиши табиий ҳол. Янги йил байрами муносабати билан бозорларимизга ўзгача файз ва барака кирди. Соҳибқору боғбон, фермерлар оғборларида асраб қўйган энг сархил мева ва сабзавотларни элимизнинг байрам дастурхонига илинган бўлса, миришкорларимиз иссиқоналарда етиштирилган помидор, бодринг, редиска, баклажону булғор қалампир, ифори димокни қитқилоччи ям-яшил турфа қўжатлар билан бозор расталарини тўлдирган. Бу неъматлар қаҳратон қишда халқимиз хонадонига баҳор нафасини олиб кириб, янги йил дастурхонига ўзгача кўрк бағишлайди. Ҳа, меҳнатқаш ва тадбиркор халқимиз янги йилни ҳаётбахш орзу-умидларининг дебочаси сифатида бекаму кўст байрам қилиш тараддудида.

Козим УЛМАСОВ олган суратлар

Янги йил олди

Қашқадорё

Ғузур туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги мева ва сабзавотдан шарбат тайёрлайдиган мини-заводни ишга туширди.
 — Кичик корхонамизда европа-ча қадоқланган 3 турдаги қуюқ ва 2 турдаги ранги тиниқлаштирилган табиий шарбат ишлаб чиқарилмоқда, — дейди фермер хўжалиги раиси Ғайрат Пулатов.
 — Қишлоғимиздаги касб-хўнара коллежини битирган 18 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Жиззах

Вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида сартарошлик, новвойлик, касаначилик каби бир қатор хусусий тадбиркорлик йўналишлари йўлга қўйилди. Биргина касаначиликда 630 та янги иш ўрни яратилди.
 Ёшларни касбга йўналтириш мақсадида 38 та хўнарамандчилик маркази иш бошлади. Ушбу марказларга «Устоз-шогирд» альяниси асосида 418 нафар ёш, асосан кам таъминланган оила фарзандлари жалб этилди.

Навоий

«Шамс-Навоий» кўп тармоқли хусусий фирмасида 26 нафар киши касаначилик билан шуғулланади. Шу йилнинг ўзига 12 нафар коллеж табиричиси ишга жойлашди. Фирмада меҳнат қилаётган касаначилар асосан нон ва қандолат махсулотлари ҳамда чучура етказиб беришга.
 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган тўққиз ойида Навоий шаҳрида уй меҳнатининг барча шакллари раванкига эътибор кучайтирилиб, хусусан, меҳнат ва пудрат шартномалари асосида касаначиликни ривожлантириш хисобига 708 та, оилавий тадбиркорлик ҳамда хўнарамандчилик фаолиятини йўлга қўйиш хисобига 263 та янги иш ўринлари яратилди.

Темирйўлчилар саховати

Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумида барқарор ишлашига таъминлаш, ободонлаштириш ва ҳудудларнинг тозаллигини сақлаш юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича маҳаллаларга жалб этилган вазирилик ва идоралар қаторида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳам бор. Республика комиссиясининг мажлис қарорига кўра, Чилонзор туманидаги 29 та маҳалла компаниянинг 8 та ташкилотига бириктириб қўйилди.
 — Булар Тошкент минтақавий темир йўл узели ва етти та йирик корхоналардир, — дейди бу хусус-

да Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. — Шунга асосан ҳокимият ва маҳалла вакиллари билан темирйўлчилар бир ёқадан бош чиқариб, маҳаллалар ва аҳоли турар-жойларидаги маиший муаммолар, ижтимоий ва комплекс масалаларни биргалликда ҳал қиляпмиз. Ташкилий ишларда тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгашининг ҳудудий, бирлашган ва бошланғич касба уюшма кўмитаси раислари ҳамда фаоллари ҳам иштирок этмоқда. Бизга бириктирилган маҳаллаларда 147242 нафар аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудларида 16 та мактаб, 34 та болалар боғчаси, 3 та Меҳрибонлик уйи, 7 та коллеж, 2 та академик лицей, 2 та институт, 4 та

Ибрatли тадбирлар

шифохона, 7 та поликлиника, 4 та шаҳар врачлик пунктлари жойлашган. Булардан ташқари, 1266 та ширкат, 188 та кўча, 716 та кўп қаватли уй, 42812 та хонадон, 50360 та оила мавжуд.
 Қиш мавсуми олдида 29 маҳалланинг барчасида Чилонзор ҳокимлиги, тумандаги хизмат идоралари (туман газ, электр, иссиқлик, сув таъминоти ва ҳоказо) бошлиқлари билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раҳбарияти ҳамкорлигида учрашувлар ўтказилди. Фуқаролар томонидан айтилган муаммолар, камчиликлар, ариза ва таклифлар ўрганилиб, тегишли ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди ва уларнинг бартараф этиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилди.
 (Давоми 2-бетда)

Касба уюшма ҳаётидан

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Андижон вилоят кенгашида 79 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар сафига 11955 нафар аъзо бирлашган. Жорий йилда 5 та ташкилотда ишловчи 461 нафар ишчи-хизматчи аъзолликка қабул қилинди. Шаҳрихон туманидаги «Анд-Кубо» хусусий корхонаси ҳам яқинда сафимизга қўшилди.

«Анд-Кубо» қурувчилари сафимизга қўшилди

— Эндиликда ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-хуқуқий ҳимояланиши кафолатланадиган бўлди, — дейди ташкилот етакчиси У. Исомутдинов. — Бу корхона раҳбариятига катта масъулият юклайди. Жамоа шартномалари шартлари катъий амал қилсак, ишимиз унути бундан ҳам баракали бўлади.
 Таъкидлаш жоизки, «Анд-Кубо» қурувчилари томонидан 2009 йилда Шаҳрихон туманида 5 та, 2010 йилда Асака туманида 22 та, жорий йилда Андижон туманининг Хартум қишлоғида 30 та намунавий турар-жой

бинолари қурилиши олиб борилди.
 — Касба уюшмасига янгидан қабул қилинган ташкилотлар меҳнатқашлари ижтимоий-хуқуқий ҳимояланиш баробарида кенгашиимизнинг моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлайди, касба уюшма нуфузини оширади, — дейди вилоят кенгаши раиси У. Аҳмедов. — «Анд-Кубо» хусусий корхонасининг жамоа шартномасида нафақат ишчиларнинг, балки уларнинг фарзандларини ҳам дам олдириш ва бошқа қулай имтиёзлар ўрин олган.
 Абдулхай ЮСУСОВ

Ҳудудий келишув сарҳисоблари

Президентимизнинг куйидаги сўзлари куннинг муҳим масаласига айлиниб қолди, десак асло муволаҳа эмас: «Қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айлиниб қолмасин. Тўғри, бу хайрия ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош масаласи — энг аввало демократик кадрларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат». Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда инсон манфаати устувор саналади. Бу борада касба уюшма ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, кейинги пайтларда фаоллик янада ошгани кўзга ташланмоқда. Жумладан, Вазирилар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув ушбу жараённи янги босқичга олиб чиқди.

Ижтимоий шериклик — манфаатли ҳамкорлик

Навоий вилоят ҳокимлиги, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг қўшма йиғилишида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаш юзасидан 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган Ҳудудий келишув ҳамда тегишли ташкилот ва жамғармалар билан тузилган қўшма қарорларнинг 2011 йилдаги ижроси атрофида муҳокама қилинди.
 Қўшма йиғилишда сўз олган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тафсилотлари, ундан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб, Вазирилар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг аҳамияти ва унда белгиланган вазифалар фаолиятда устуворлик касб этаётгани ҳамда ижтимоий шериклик асосида вилоятда амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди.
 (Давоми 2-бетда)

Долзарб мавзу

Ҳуқуқий саводхонлик — ишончли ҳимоя

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2011 йил 21 июлдаги раёсат қарорига биноан Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида юридик бўлим ташкил этилиб, яқин вақтда бу ерда 4 нафар ҳуқуқшунос фаолият кўрсатмоқда. Мазкур гурӯҳ фаолияти қай йўсинда ташкил этилган ва пойтахтимиз меҳнатқашларини ҳуқуқий ҳимоялаш қандай кечмоқда? Мухбиримиз бирлашма кенгашининг ҳуқуқшуноси Людмила Ҳасанова билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Бўлимимиз «Касба уюшмаларининг юридик хизмати тўғрисида»-ги Низом, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларидаги меҳнатни муҳофаза қилиш, юридик, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимларининг ишини ташкил этиш бўйича тартиб ҳамда ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бўлим иш режасига асосан фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг июл ойидан бошлаб ҳуқуқий тарғибот ишларида, жойларда тузилган жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказишда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, шу асосда судларда иштирок этмоқдамиз.
 Урни келганда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятимизга тўхталиб ўтмоқчиман. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида», «Микроолиялаш соҳасини янада тақомиллаштириш муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларига ўзимизнинг таклифларимизни бердик.
 — **Маълумки, аъзоларимизнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билимини юксалтириш касба уюшма ҳуқуқшуносларининг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади. Айтинг-чи, бу борадаги ишлардан қўнглингиз тўлғайми?**
 — Чиндан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан билимдон одам ҳеч кимга ўзини хафа қилдириб қўймайди. Шу тўғрисида ҳам энг яхши ҳуқуқий ҳимоя — аъзоларимизнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш деб ўйлайман.
 (Давоми 2-бетда)

Томорқа — ҳазина

Болалигимдан уйимизда қишин-ёзин гуллар ифор таратиб, ям-яшил япроқлари жилваланиб турганини орзу қилганман.
 Гулларга бўлган меҳрим йиллар ўтган сайин ортса ортдики, қамаймади. Олдинига дераза олдида гул ўстирган бўлсам, кейинчалик иссиқхона ташкил қилиб, гул кўчатлари етиштиришни йўлга қўйдик. Бу ишда менга турмуш ўртоғим, фарзандларим, невараларим кўмақдош.



Ташқарига қор, уйимизга баҳор

Биз етиштирган гул кўчатлари туманимиздаги барча мактаб, боғча, коллежларда ўқув-тарбия муҳитининг янада яхшилланишига, ўғил-қизларимизнинг эстетик диди шаклланиши, килород билан тўйинтирилган ҳаводан нафас олишига хизмат қилмоқда.
 Туманимиздаги 3-мактабда география фанидан ёшларга сабоқ бердим. Яқинда нафақага чиқдим. Энди сеvimли машғулотимга янада кўпроқ вақт сарфлашим мумкин. Истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланиб, биз ҳам оилавий бизнесни

йўлга қўйдик. Иссиқхонамизда помидор, қарам, бодринг кўчатлари етиштириб, қўшимча даромад эвазига турмушимизни янада фаровонлаштираяпмиз.
 Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати бу борадаги ишларимизни кенгайтиришга туртки бўлди. Касба уюшмаларининг эзгу ташаббусига тўла қўшилган ҳолда хонадонимиз ва эл дастурхонини тўқинлигига бундан-да катта ҳисса қўшишга интиламиз.
 Оллоқули ЖАБОРОВ,
 Боғот тумани

Ижтимоий шериклик — манфаатли ҳамкорлик

(Давоми. Боши 1-бетда) Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси томонидан имзоланган Ҳудудий келишувга кўра, касаба уюшма ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилмадиган жамоа шартномалари ва келишуварларида меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни, ишловчи ноғиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилда 99 та жамоа шартномаси, 23 та жамоа келишуви экспертизадан ўтказилди. Бу борадаги вазифалар ижросига жиддий аҳамият берилди. Гарчанд кўлга киритилган натижалар кўп бўлса-да, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Жумладан, долзарб масалалардан бири жойларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан назорат ўрнатилиши бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда иш ҳақидан муддатга ўтган қарздорликни

бартараф этиш юзасидан иш берувчилар ҳамда маҳаллий ижро ҳокимият органларига расмий талабномалар киритилди. Касаба уюшма кўмиталарида 14 марта, раёсат йиғилишларида 6 марта мазкур муаммони ҳал этиш чоралари кўриб чиқилди. Бу каби чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаш билан бир қаторда, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласи ҳамон айрим тармоқ корхоналарида узлуқсиз давом этаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунингдек, нотик ўз сўзида аҳолини иш билан таъминлаш, банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш борасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Ушбу мақсадда 2011 йилда 36 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 1 декабр ҳолатига вилоятда 42 марта оммавий ярмарка ташкил этилган бўлиб, унда 1678 та корхона, ташкилотлар 8016 та бўш иш ўрни билан иштирок этган. Фуқароларнинг 4770 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланма берилган. Шунингдек, Ҳудудий келишув ижроси

ҳақида вилоят ҳокимининг диний ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш бўйича ўринбосари Толибжон Ҳабибуллаев, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланишини мониторинг қилиш гуруҳи катта мутахассиси Моҳигул Шамсиддинова сўзга чиқди. Ҳудудий келишувнинг Савдо-саноат палатасига доир ижроси палатанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зокиржон Шарифзонов маърузасида тўлақонли акс этди. Жорий йилда бошқарма томонидан тўғридан-тўғри маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш мақсадида 4 та саноат корхонаси ва 38 та кичик бизнес корхонаси иштирокида ярмарка ҳамда «Бизнес форум» тадбири ташкил қилинди. Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ўтган ҳудудий ярмарка ва кооперация биржасида 106 та ишлаб чиқариш корхонаси иштирок этди ва умумий қиймати 7 млрд. сўмга яқин 200 дан ортиқ фойдали шартномалар имзоланди. Ҳамкор ташкилотлар билан тузилган

қўшма қарорлар ижроси муҳокамасида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашлари раислари Анара Бобомуродова, Шухрат Халилов сўзга чиқиб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган хайрли ишларга жамоатчилик эътиборини қаратишди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Олим Бобомуродов, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Норимхон Нурманова, вилоят ўрта махсус, касба-ҳунар бошқармаси бошлиғи Лочин Облоқулов, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мехринос Пардаева, «Камолот» ЕИҲ вилоят кенгаши раиси Нурбек Улуғбердиевларнинг чиқишларида ҳам ҳамжиҳатликда олиб борилган ишлар ҳамда касаба уюшмалари нуфузининг янада кенг қамров топаётгани эътироф этилди. Йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди. Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Меҳнат муҳофазаси

Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси давлатимиз эътиборида. Ўзбекистон Республикасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида», «Ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлари фикримиз тасдиғидир.



Миллионларни бой берманг

Мажбурий сугурта қилиш шартномаси иш берувчи ҳамда сугурта қилувчи ўртасида бир йил муддатга тузилади. Иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатга амалга оширса, мажбурий сугурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятини амалга ошириш муддати бўйича тузилади. Ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин сугурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади. Ушбу ҳужжат юзасидан иш берувчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳозирда вилоятдаги минглаб корхоналар сугурта компаниялари билан шартнома тузилди. Бундан ташқари, ўтган даврда жойларда меҳнат муҳофазаси, иш ўринлари шарт-шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид қатор тадбирлар, ўқув-семинарлар ўтказилди. Шунинг учун иш жойларида техника хавфсизлиги ва санитарияга оид қоидалар тарифлари юзасидан йўриқномалар берилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ ўтказилаётган тадбирларга қарамай ташкилотларда кўнгилсизликлар содир бўлаётгани ачинарли ҳол. Мисол учун, жорий йилнинг 2 февралда «Гулистонэкстракция-ёғ» ОАЖ ишчиси Жўрабек Халиловнинг, 28 апрелда «Стройкластерсервис» хусусий корхонаси ишчиси Холлиқберди Хайдаровнинг бахтсиз ҳодиса туфайли соғлиғига шикаст етди. Ушбу ҳолатлар ўрганилиб, далолатномалар тузилди. Айрим ташкилотлар фаолияти ўрганилганда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида» қонун бузилганлиги аниқланиб, мансабдор шахсларга нисбатан молиявий жарима қўлланди. Мисол учун, «Гулистон Давсус-маҳсуспудрат», Сайхунобод туманидаги «Исломо» ФХ, Сирдарё туманидаги «Карбелин Чинор» МЧЖда шундай ҳолат кузатилди. Ҳаётимиз ва соғлиғимизга ўзимиз масъулимиз. Бунинг учун эса ишда ва кўча-кўйда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Тўлқин АБДУРАЗЗОҚОВ, Сирдарё вилоят Давлат Бош меҳнат-техник инспектори

Ҳуқуқий саводхонлик — ишончли ҳимоя

(Давоми. Боши 1-бетда) Шу боисдан гуруҳимиз аъзолари билан жойларда бўлиб, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Масалан, Мирзо Улуғбек тумани таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан мактаб директорлари, боғча мудирлари, касаба уюшма фаоллари иштирокида «Амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини тўғри татбиқ қилиниши» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан уюштирилган «Бошланғич ташкилотларнинг асосий вазифалари, ходимлар, шу жумладан, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ўрни» мавзусида семинар ҳам ҳуқуқий саводхонликни оширишда муҳим аҳамият касб этди. — Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатта, ижтимоий-иқтисодий ва касб-ҳуқуқ оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Лекин масаланинг иккинчи томони, яъни унинг сифати ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. — Албатта, жойларда тузилган жамоа шартномалари юридик бўлиб томонидан ҳам назоратдан ўтказилиб, дарҳол тегишли тақдирлар берилмапти. Масалан, мутахассисларимиз шу кунларда «Микроэлектроника» илмий текшириш институти, «Давлат геодезия назорати» инспекцияси, Тошкент банк коллежи, Сейсмология институти каби муассасаларнинг жамоа шартномаларини кўриб чиқиб, бошланғич ташкилот раисларига тегишли маслаҳатлар беришди. Шунингдек, меҳнат қонунчилиги бандлари юзасидан «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти, «Ўзқабел» очик акциядорлик жамияти, «Тошкент-Лада» очик акциядорлик жамияти қўшма корхоналари каби 94 та корхона, ташкилот ҳамда муассасаларга амалий ёрдам кўрсатилди. — Касаба уюшма ташкилотига ҳуқуқлари паймол этилган кишилар: менга ёрдам бериша олармикан, деган ўй билан кириб келишади. Уларнинг ишончлари қай даражада оқланаяпти? — Бирлашма кенгашига жорий йилнинг 9 ойи мобайнида меҳнаткашлардан 94 та мурожаат тушди. Уларнинг мазмуни асосан иш ҳақи, меҳнат дафтарчаларини йўритиш, ишдан ноқонуний бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишга доир масалалардир. Барча мурожаатлар бўйича мутахассисларимиз томонидан тушунтиришлар берилди ва уларнинг кўпчилиги ўзининг ижобий ечимини топди. Масалан, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 189-мактабнинг собиқ ходимлари Е.Никитина, С.Зиямухамедовларнинг мурожаатларига асосан иш берувчи билан музокаралар олиб борилди. Натيجида мактабнинг 14 нафар аёл ўқитувчилари ўз ишларига қайта тикланди. Шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ходими М.Хамроқуловнинг мурожаатини мутахассисларимиз синчиклаб ўрганиб чиқишди ва ҳақиқат қарор топиб, у айна вақтда ўз иш жойида фаолият кўрсатмоқда. — Касаба уюшма ташкилотларига мурожаатлар асосида судда иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Ушбу имкониятдан қандай фойдаланилماпти? — Бўлимимиз ходимлари Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда Ш.Очилов, Е.Давидов, Д.Асомова каби аъзоларимизнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида суд жараёнида мутахассис, гувоҳ сифатида иштирок этишди. Фуқароларга амалий ёрдам бериш жараёнида ва тушган аризаларни ўрганиш даврида иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилиги талабларини кўпол равишда бузилиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Шу боис иш берувчилар билан музокара олиб борилиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Хулоса шунки, нафақат касаба уюшма аъзолари, балки иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурлигига воқеа-ҳодисаларни ўрганиш жараёнида қайта-қайта амин бўлялмиз. Неймат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири



«Сувсоз» трести давлат унитар корхонасида Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгаши тизимидаги корхона, ташкилотларнинг касаба уюшма кўмиталари раислари, фаоллар иштирокида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби-и ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори Муҳимжон Қирғизбоев китобнинг тарихий аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Мустақилликка эришиш гоёта машаққатли, мураккаб кечганини тарихий фактлар билан изоҳлаб берди. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Темирйўлчилар саховати

(Давоми. Боши 1-бетда) Маҳаллаларда қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўз вақтида бажариш учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан ҳар бир маҳаллаларнинг ҳисоб рақамига 10 млн. сўмдан, жами 290 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди ва уларнинг керакли ишларга сарф қилиниши назоратга олинди. Бундан ташқари, маҳаллаларга бриктирилган 8 та корхона — Тошкент минтақавий темир йўл узели, Қуюв механика заводи, «1-Электромонтаж поезди» ва «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхоналари, «Темирйўлйўловчи» ҳамда «Ўзтемирйўлконтейнер», «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» ОАЖлари, «Кўприкқурилиш» трести жамоалари ҳам бу ишларда фаол иштирок этиб, 96 млн. сўмлик амалий ёрдам кўрсатишди. Жумладан, бу маблағлар ҳисобидан «Халқлар дўстлиги», «Дўстлик», «8-мавзе», «Лут-фий» маҳаллаларидаги уйлارнинг томларини ёпишга 6 миллион сўмлик қурилиш материаллари олинди. Шунингдек, 2 та болалар майдончаси, 2 та маиший чинкидларни тўплаш пункти қуриб берилди. «Богистон», «Ок-тепа», «Қатортол», «Кўтарма» маҳаллаларига ажратилган 5 млн. сўм қўшимча маблағга

кўп қаватли уйлarning томини таъмирлаш учун битум, рубероид, труба, шебен харид қилинди, нафақадан кексаларнинг уйлари ойнасига металл панжаралар ўрнатиб берилди. «Наврўз», «Бектўли», «Бахористон» маҳаллаларига бриктирилган «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ томонидан ушбу маҳаллаларга қиш мавсумига тайёргарлик борасидаги муаммоларни ечишга, жумладан, том қопламалар ва трубаларни алмаштиришга, трубалар учун кран ва вентеллар, ертўлаларга ойна қўйиш, йўлларига темир эшиклар ўрнатиш, шебен келтириш ишларига 40 млн. сўмлик шартнома тузилди. «Навбахор», «Кичик хирмонтепа», «Мехрижон» «Бўрижар» маҳаллаларидаги қишга тайёргарлик ишларига ҳам 3,5 млн. сўм қўшимча маблағ ажратилди. Умуман олганда, шу йилнинг 20 декабрига маҳаллалардаги барча объектлар тўлиқ ўрганилиб, аниқланган ва фуқаролардан келиб тушган 2325 та муаммо ва камчиликларнинг 2220 таси ҳозирги кунга бартараф этилди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК маҳаллалардаги маданий тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, яқинда «1-Қатортол», «2-Қатортол», «Бешқўрғон», «Мехржон» маҳалла фаол-

лари, фахрийлари, кам таъминланган оилалар вакилларидан иборат 60 нафар чилонзорликлар Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида қатъий йўлга қўйилган тезорар «Афросиё» поездида қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Бунга салкам 8 млн. сўм маблағ сарфланди. Юқоридаги эзгу ишлар билан биргаликда темирйўлчилар томонидан маҳаллаларда маданий ва маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари, турли мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, спорт мусобақалари ўтказилди. Айниқса, социология фанлари номзоди Тошпўлат Матибоевнинг мамлакатимизда тинчлик ва оқойишталликни, барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маърузаси маҳалла аҳолисида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, темирйўлчилар томонидан 19 та маҳалланинг ҳар бирида 13-18 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат, шашка ва дартс бўйича кизикарли спорт мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда 1758 нафар болалар катнашди ва гоилибарга темир йўл ташкилотлари ҳамда касаба уюшма фаоллари томонидан 6 млн. сўмлик қим-

матбаҳо совғалар топширилди. Юнус Ражабий ва 1-Тошкент педагогика коллежи, Чилонзор тумани ҳокимияти, 162-мактабда аҳолининг маданий дам олишини ташкил қилиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли Марказий маданий саройи бадиий жамоаси иштирокида катта хомийлик концерт дастурлари намойиш этилди. — 2012 йил — Янги йил байрами муносабати билан хомийлигимиздаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган 500 та оилага 28 млн. 884 минг сўмлик озиқ-овқат тўпламлари, кам таъминланган оилаларнинг 750 нафар фарзандларига Янги йил арчаси ва байрам тадбирлари учун 3 млн. 691 минг сўмлик чипталар берилди. Шунингдек, туман ҳудудидида жойлашган Мехрибонлик уйларига жами 42,5 млн. сўмдан ортиқ хомийлик ёрдами кўрсатилиши мўлжалланмоқда, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Муҳсинжон Мамасиддиқов. — Маҳаллалардаги 34 та болалар боғчасида янги йил байрамини юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам қўрсатишнинг ҳам режалаштирилгани. Адҳам КАМИРОВ, журналист

Мукофот — яхшилар яхшисига

Бошланғич ташкилотлар иш самарадорлигини ошириш, аъзолик афзалликларини асослаш, жойларда касаба уюшма ҳаракатини янада ривожлантириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан қабул қилинган «Шаҳар корхоналари, муассасаларида касаба уюшма ишини энг яхши ташкил этиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида» қарор бугун ўз самарасини бераётир. Яхши анъанага айланган бораётган кўрик-танлов Низомига асосан биринчи босқичда барча бошланғич ташкилотлар иштирок этишди. Иккинчи босқичга эса, табиийки, ўз йўналишлари бўйича гоилибликни кўлга киритган касаба уюшма кўмиталари йўланма олишди. Кўриш кеча гоилибликни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов якунига кўра йирик касаба уюшма ташкилотлари ўртасидаги 3 та биринчи ўрин «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти, «Тошкент универмаги» очик акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти ҳамда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» газетаси касаба уюшма ташкилотига насиб этди. 3 та иккинчи ўринни эса Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Чилонзор туманидаги 4-санаторий мактаб-интернати ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» наشريёти бошланғич касаба уюшма кўмитаси эгаллади. 3 та учинчи ўринга «Тошшаҳарэлектртармок» унитар корхонаси, 2-трамвай депоси ва «Марказ ё» корхонаси касаба уюшма ташкилотлари сазовор бўлишди. Гоилибарга шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Фахрий ёрликлари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Ўз муҳбиримиз

Пойдевори мустақкам иморатинга боқийликка дахлдор. Шу маънода касаба уюшмаларининг куч-қудрати, фаолияти самараси, аввало, бошланғич ташкилотлари ва улардаги фидойи етакчиларга боғлиқ.

Ҳудудий семинар

Бошланғич ташкилотлар эътиборда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Норин тумани бирлашган кўмитаси томонидан ўтказилаётган ҳудудий семинарларда бу яққол тасдиғини топмоқда. Хусусан, тумандаги 1-ҳамда 40-мактабларда бўлиб ўтган семинарлар кўпчилигининг ёдида қолди. 40 нафардан ортиқ етакчи иштирок этган тадбирларда бошланғичлар фаолиятини такомиллаштиришга оид улуғбий тавсиялар, касаба уюшмаларига дахлдор қонун ҳужжатлари ҳамда конституцион ҳуқуқлар, Юр-бошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг аҳамияти юзасидан билимлар мустақкамланди. — Ҳудудий семинарларнинг айни шу мактабларда ташкил этилгани бежиз эмас, — дейди туман бирлашган кўмитаси раиси Галина Маматқулова. — Мазкур икки мактабимизнинг касаба уюшма раислари ёш бўлишига қарамай, жуда фаоллик билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саяё-ҳаракати туфайли жамоаларда касаба уюшма ташкилоти ўрни мустақкам. Энг муҳими, уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш орқали фидойи етакчилар сафини кенгайтириш ва бошланғичлар обрўсини оширишга эришишдир. Д.РАҲМОНОВА

Хабар

Видеомулоқот ўз самарасини беради

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Мустақкам оила йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда жамоатчилик таклифларини жамлаш бўйича видеомулоқот бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар кўмитаси тизимидаги барча бўғин раҳбарлари, маҳалла оксоқоллари ва фаоллар, турли соҳа вакиллари ҳамда Давлат дастурининг ушбу йўналишини шакллантириш бўйича масъул бўлган ишчи гуруҳ аъзолари катнашди. Видеомулоқот иштирокчилари томонидан халқимиз, оилаларимиз манфаатларига қаратилган таклифлар билдирилиб, Давлат дастурида, айниқса, чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз, хотин-қизларнинг орзу-истаклари мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жамшид ЭРҒАШЕВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси

*Кириб келаётган Янги йил билан
барча юртдошларимизни
самимий қутлайди.
Меҳнатсевар ва софдил
халқимизнинг ҳар бир кунини
байрамдек ўтсин.*

2012 йил ҳаммага омад, бахту саодат келтирсин!

Солиқ ва ҳаёт

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими ривожда, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланishi-ни қисқартиришда пластик картчалардан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Президентининг «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизimini ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу жараёнда асосий дастуруламал ҳужжат ҳисобланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб

Шайхонтоҳур туманида нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи 1850 та тургун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд бўлиб, утган даврда уларнинг 1385 таси терминал билан жиҳозланди.

Ўтказилган назорат тадбирларининг 60 тасида терминаллар билан жиҳозланиш талабларининг бузилиши, тўловларни амалга оширишдан бўйин товлаш каби қоидабузарликларга дуч келинган. Бундан ташқари, 1 та ҳолатда терминал аппарати бўла туриб, тўловни қабул қилиш рад этилиши аниқланган. Бундай «шибиламонларга» нисбатан 61 ҳолатда 64,2 млн. сўм миқдорда молиявий зарималар қўлланилди.

Солиқ кодексининг 119-моддасида техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки пластик картчалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик учун энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима солиш тартиби белгиланган. Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилгандан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бу меъёрларни нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, балки оддий фуқаролар ҳам билиши керак. Ўз ҳуқуқини билган ва талаб қила олган истеъмолчи ҳеч қачон доғда қолмайди.

Шокирбек ИСОҚОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ бўлим бошлиғи

Назорат

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Чилонзор туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг 9 ойида ўтказилган қисқа муддатли текширувларда 330 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 892,6 млн. сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди. Шундан 8 ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан дастлабки тергов ишлари олиб борилмоқда. Вақтинчалик олиб қўйилган ТМБлар Давлат стандарт идораларида экспертизадан ўтказилиб, суд қарорлари асосида туман суд ижрочилари бўлинимаси билан ҳамкорликда уларнинг махсус духонлар «орқали» аҳолига сотилиши йўлга қўйилган. «Сотувдан тушган маблағлар бюджетга вақтида ўтказилмоқда». Шу билан «бирга» истеъмолга ўрқисиз деб топилган ТМБлар ҳолислар ишториқда йўқ қилинади.

Ш. ТУРАПОВ,
Чилонзор туман ДСИ бошлиғи ўринбосари

Интерактив хизмат

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этилиши кўзда тутилган.

Хозирги кунда интернет тизимига улган юридик корхона ва ташкилотлар учун www.soliq.uz сайти яратилган. Солиқ тўловчилар тегишли интерактив хизматлардан фойдалиши мумкин.

Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида жорий йилнинг 1 декабрига 2203 та ҳўжалик субъектига электрон рақамли имзолар берилган ҳамда 3060 та корхона томонидан ДСИга 11958 та электрон кўринишда ҳисоботлар тақдим этилди. Натижада ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ инспекциясига келиб ҳисобот топшириш учун сарфланадиган қимматли вақтлари тежалмоқда.

Н. ТОЛИПОВ,
«Камерал назорати» бўлими бошлиғи

Мулк ҳуқуқи

Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва сотиш, шунингдек, пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги қарори билан «Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тўғрисида»ги низоом тасдиқланган. Мазкур низоом «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек, уни йўқ қилиш тартибини белгилайди.

Яққасарой туман ДСИ томонидан қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 декабрига қадар ўтказилган тадбирларда 126 та қоидабузарлик аниқланиб, 474 млн. 200 миң сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган. Бундан ташқари, суд ижрочилари томонидан солиқ органларига белгиланган шаклда бериб бориладиган ҳисобот асосида мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларининг вақтида далаат бюджетига тақсимланиши назорат қилиб борилаётти.


М.ГИНИЯТУЛЛИН,
Яққасарой туман ДСИ бошлиғи ўринбосари


Аукционные торги ва земельные участки расположенные в Нукуском районе на территории массива «Узункула» объявлены в газете «Ishonch» от 29-ноября 2011 года за №142 (3023) приостанавливаются на основании приказа ГКН РК за №90/БП от 23.12.2011 года.
Администрация Каракалпакский филиал ООО CAPITAL REALTOR GROUP.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

*Азиз халқимизни 2012 йил
билан самимий туборакбод этади.*

Юрт ободлиги, халқ
фаровонлиги йўлидаги эзгу
ишларда юртдошларимизга
сихат-саломатлик,
хушқайфият,
дастурхонларига тўкинлик
тилайди. Қалбингизни
озодлик шуқуҳи ва истиқлол
нури мунаввар этаверсин!





БОЛАЛИҚДА ТУШГАН МЕҲР

Хунармандчилик

Бувисининг кашта тикиб ўтирганини кўрган қизалоқ қизиқиб кўлига нина олди. Йиллар ўтиб, бу қизиқиб катта мақсадларнинг амалга ошишига туртки бўлди. Уша ёшгина қизча кун келиб «Субхинур-тонгинур» хусусий корхонаси раҳбарига айланди.

лаш, кредит олиш, маҳсулотини сотиш юзасидан тушунча берилмоқда.

«Бизнес маркази»нинг кўмаги билан 2010 йил «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» танловининг вилоят босқичида I ўрин, республика босқичида II ўринга сазовор бўлдим. 4 йилдан бери «Кўли гулдири ўзбек аёлини...» кўрғазмасида қатнашиб келяман. 2010 йил октябрда Туризмни ривожлантириш савдо кўрғазмасида ҳам иштирок этдим. Бу кўрғазмалар хунармандларнинг ишини бутун дунёга кўрсатиш, бошқа вилоят хунармандлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, улар билан фикр алмашишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Д.Усмонова.

Оилада бир киши хунари бўлса, албатта, унинг яқинларида қизиқиб ортади. Дилбар опанинг қизи Наргиза Каримова ҳам «Ироқи» каштачиликнинг сирларини онасидан ўрганиб, ҳозирда хусусий фирма очган. Ўзининг 20 га яқин шогирдлари ёрдамида ушбу ноёб хунарни ривожлантиришга бел боғлаган.

— Қашқадарё каштачилиги жуда қадимий бўлиб, ўзида оилавий муносабатларни акс эттиради, — дейди Дилбар опа. — Масалан, қалампир тасвири — бахт, саломатлик, анор эса — кут-баракат тимсоли. Биз ишимиздан илҳомланиб янги-янги нақшлар, бир-бирдан ажойиб тасвирлар яратаётимиз. Бугунги кунда корхонамизда етмиш хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Улардан аёллар костюми, нимча, кўйлак, сумка, дастурхон, телефон ғилофлари, косиблар билан ҳамкорликда ишланган пойабзаллар энг оммабоп ҳисобланади.

Кўл меҳнати асосида яратилган бу маҳсулотлар рангларининг табиийлиги, матосининг чидамлиги ва сифати билан ажралиб туради. Улар нафақат юртимиз бозорларига етказиб берилади, буюртма орқали чет элларга ҳам экспорт қилинади.

Дилбар опа келажакда хунарини наби-рларига ҳам ўргатиб, миллий каштачилик довуруғини дунёга ёйиш ниятида.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Узоқ ўтмишда одамлар табиат ҳодисалари, табиий офатлар олдида ўзини ожиз сезишган. Ҳатто оловга, сувга сизинишгани ҳам тарихдан маълум. Тошга ўйиб қолдирилган суратлар, турли халқ кўшиқлари бунга гувоҳлик беради. У пайтлар табиий офатларни тадқиқ этиш, ўрганиш имкони бўлмаган, албатта. Бироқ ҳозир илму фан кўпгина саволларга жавоб топган. Биздан ўша жавобларни билиш ва ўрни келганда уларни татбиқ қилиш талаб этилади.

Ҳар йили 100 000 дан ортиқ зилзила

Энг кўп зарар етказувчи ҳодисалар ичида даҳшатлиси, шубҳасиз, зилзиладир. У инсонлар ҳаётига хавф солади, турар-жойларни вайронга айлантиради, юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлади. Ҳар йили ер юзиде турли кучдаги юз мингдан ортиқ ер силкиниши кайд этилади. Мутахассислар ҳисобига кўра, Тошкентнинг ўзида 4 марта (1868, 1924, 1966, 1980 йиллар) кучли зилзила содир бўлган. Илмий маънабларда зилзила аснода ер ости зарбаси ва устки қатламнинг тебраниши бўлиб, зарбанинг пайдо бўлиш ўчоғи устки қатламда узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг «озод бўлиши» туфайли юзага келади. Зилзила ўчоғлари кўпроқ 20-30, баъзан юзлаб километр чуқурликда бўлиши мумкин.

Зилзила кучини ўлчашда Ўзбекистонда 1964 йили ЮНЕСКО томонидан тасдиқланган МСК-64 халқаро ўлчов шкаласидан фойдаланилади. У ер юзининг титраш даражасини балларда белгилайди. Яна бир кенг қўлланиладиган шкала — Рихтер шкаласидир. У зилзила ўчоғидаги ҳақиқий жадаллиқни магнитуда биригида ўлчайди.

Зилзилани олдиндан билиш мумкинми? Олимлар аниқлашми, зилзила бўлишидан дарак берувчи баъзи белгилар бор. Ер қимирлашини, энг аввало, чумолилар сезиб, инларидан бесаранжом қоча бошлайди. Ҳайвонлар ҳам безовта бўлади. Сичқонлар тўдалашиб юради, наханг балиқлар ўзларини қирғоққа уради. Бу сезги фақат ёввойи ҳайвонларгагина хос. Уй ҳайвонла-

ри озодликдан маҳрум бўлгач, бу «туйғун» унутишган. Шунингдек, зилзиладан бурун бир-бирига яқин, лекин тегмаётган электр симларидан учкун чиқиши, уйларнинг ички деворларида зангори шуълалар пайдо бўлиши ҳам кузатилади. Мазкур «сигнал»лардан бохабар бўлиш ёмон оқибатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Статистик маълумотларга кўра, зилзила пайтида олинган жароҳатларнинг аксарияти сароси-ма ҳолатда, ўзи қандай тугиш кераклигини билмасликдан келиб чиқар экан. Шу сабаб, фавуқлода вазиятларда тўғри ҳаракатланиш жуда муҳим. Мутахассислар фикрича, зилзила ҳақида хабар эшитилгач, уйни тарк этишдан олдин газ ва бошқа иситгич асбобларни ўчириш, зарурий нарсаларни, яъни озиқ-овқат, дори-дармон, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни олиш керак. Уйдан чиқишга фурсат бўлмаса, дераза ва эшик оралиқлари, ус-тун ва тўсинлар туташган бурчакларда туриш ёки мустаҳкам стол тагида ўтириш керак. Ёдда тутиш лозимки, кўп қаватли биноларнинг энг нозик, ишонсиз жойлари зинапоя ва лифт шахталари ҳисобланади.

Табиат ҳодисалари қутилмаганда содир бўлади. Уларнинг қайси кун ва соатда руй бериши маълум эмас. Шундай экан, ўзимиз ва атрофдагилар муҳофазаси учун зийрак бўлиш, фавуқлода вазиятларда тўғри ҳаракатланиш катта аҳамиятга эга.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Биласизми?

Байрам — болаларники



Фокусчи Қорбобо келди

Қорбобонинг дарагини эшитган жажжи болажонларнинг қувончи чексиз. — Боғчамизга фокусчи Қойбобо келди, — деди совғасини маҳкам кучоқлаб олган Миразиз ҳаяжон билан. Нодира шевърини айтиб бўлгач, Қорбобонинг фокусларини кўриб, ундан Қорқизни сўрамоқчи бўлганини ҳам унутиб қўйди...

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидоғи «Do'stlik» номли 389-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган Янги йил шодийоналари 220 нафар болажонлар қаторида уларнинг ота-оналарига ҳам олам-олам завқу шавқ улашди.

Назира БОЙМУРОВА олган сурат

Оммавийлик

Қизиқарли беллашув

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши ҳамда касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида Нукус олимпия захиралари коллежиде Республика, туман ва шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари меҳнат жамоалари ўртасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллиги бағишланган VIII спартакиада ташкил этилди.



Иштирокчилар спортнинг стол тенниси, дартс, армрестлинг ва арқон тортиш турлари бўйича мусобақалашдилар. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Нукус туман, иккинчи ўрин Амударё туман, учинчи ўрин Нукус шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Л. БАЙБОСИНОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси

«SAMARQAND MULK MARKAZI» МҲЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!
Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли ҳамда 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига мувофиқ қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
I. Каттақўрғон туман ҳокимлиги балансида бўлган, Каттақўрғон туман, Қадан қўрғониде сақланган, «ГАЗ-31029» русумли, д/р 30 840 КАА бўлган, 1996 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 438 869 сўм.
II. Ўзбекистон Республикаси Таъхи иқтисодий фаолият Миллий банки балансида бўлган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 7-уйда сақланган:
A) «ГАЗ 32060» русумли, д/р 30 316 ЕАА бўлган, 1998 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 448 572 сўм.
Б) «ВАЗ 2107» русумли, д/р 14 АД 400 бўлган, 1994 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 810 205 сўм.
В) «ГАЗ 31029» русумли, д/р 14 АЕ 112 бўлган, 1995 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 458 369 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 27 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 25 январь кун соат 18:00.
Ушбу автотранспорт воситалари 2012 йил 27 январьдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақдирий аукцион савдолари 2012 йил 7, 14 ҳамда 21 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатамиз.
Савдо ғолиб деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мўлк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Samarqand mulk markazi» МҲЖнинг АТ «Турон» банк Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000904942465001, МФО 00282, СТИР 302129857, ОКОНХ 84200.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-А/а уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоси тармоқ касабаси уюшмаси Пискент туман кенгаши раиси Арслон Тўлагановга онаси **ЗУЛФИЯ** янинг нафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Қашқадарё соҳили санаторийси» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Жонажон юртимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган 2012 йил билан табриқлашди.

Янги йил ҳаммамиз учун омадли, хосиятли йил бўлсин!

Хонадонимизни тукинлик файзу барака асло тарқ этмасин!

Хизматлар лицензияланган

Insonga naf keltirish
KASABA UYUSHMALARI FEDERATSİYASI
Oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'loqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Godirova
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonamiz: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri ta'biriyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.30

Buyurtma Γ — 1211
12824 nusxada bosildi
1 2 3 4 5